

ИННОВАЦИОН-ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ

126 х.к.

21/525 -сонли

Термиз шаҳри.

2021 йил « _____ » _____

Термиз давлат университети (бундан кийин матнда «Университет» деб юритилади) номидан **Мараҳимов Авазжон Раҳимович**, низом асосида иш юритувчи бир томондан ва «Сурхондорэ 'Суб Тоғмиқобил» бундан буён «Корхона» (ташкilot, муассаса) деб аталувчи, раҳбари Гулямов Баҳриддин Баҳишарович Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида келишувларга эришдилар:

1. Шартноманинг предмети

Томонлар ўртасида таълим хизматлари (конференциялар, илмий семинарлар, психологик тестлар, маданий-маърифий тадбирлар, илмий маслаҳатлар бериш, фаолиятга оид семинар ва тренинглар), илмий ишланмалар, илмий-услубий тавсиялар, патент, фойдали моделларни жорий қилиш (уларни вақтинчалик фойдаланишга бериш) молиявий муносабатлар орқали ўзаро алмашиш мазкур шартноманинг предмети сифатида белгиланади.

2. Шартноманинг мақсади

2.1. Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ корхона фаолиятини янада ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-инновацион жиҳатдан янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳамда корхонанинг бошқарув тизими самарадорлигини таъминловчи, ижтимоий муҳит мазмунини оширадиган илмий ишланмалар, ўқув-услубий таъминотлар, вилоят ва шаҳар ДХХ, суд, прокуратура, ички ишлар органларининг тергов ҳаракатларида таржимонлик қилиш, ташкilotларнинг бошқарув ҳужжатларини, адабиётларини ва манбаларини таржима қилиш консалтинг хизматлари, маркетинг хизматлари, таълим хизматлари, синов тажрибалар ўтказиш, доривор ўсимликлар етиштириш ва уларни териш бўйича тавсиялар бериш, кўчат етиштириш ва экиш бўйича тавсиялар бериш, ўсимлик уруғларини териш бўйича кўрсатмалар бериш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инновацияларни жорий этишда замонавий инновацион ишланмаларни тавсия қилиш шартноманинг асосий мақсади сифатида белгиланади.

2.2. Томонларнинг кўп қиррали ҳамкорлиги узоқ муддатли шерикчилик, тенглик ва самарадорлик, ўзаро манфаатли шартномалар тузиш тамойилларига асосланади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома доирасида «Университет» қуйидагиларни кафолатлайди:

а) корхона фаолиятини янада ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳамда корхонанинг бошқарув тизими самарадорлигини таъминловчи, ижтимоий муҳитни мазмунини оширадиган илмий ишланмалар, ўқув-услубий таъминотлар (адабиётлар, манбалар) ҳамда таълим хизматлари кўрсатишни ўз вақтида таъминлаш (етказиб бериш);

б) инновацион маҳсулотни яратиш ва татбиқ этиш бўйича биргаликда фаолият юритиш ҳамда муаммоли мавзулар бўйича тадқиқот олиб бориш учун инновацион гуруҳларни шакллантириш;

в) университет магистрантлари, катта илмий ходим-изланувчилари ва педагог ходимларини Корхонага стажировкага юбориш;

д) университетда корхона ходимларининг илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун шароит яратиш, корхона ходимларига университетнинг ўқув аудиториялари, ахборот-ресурс марказидан фойдаланишини таъминлаш;

е) корхона билан ҳамкорликда университетнинг педагог ходимлари, катта илмий ходим-изланувчилари ва талабалари иштирокида қўшма семинарлар, анжуманлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкил этиш.

3.2. Мазкур шартнома доирасида корхона қуйидагиларни кафолатлайди:

а) университет томонидан корхона фаолиятини янада ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳамда корхонанинг бошқарув тизими самарадорлигини таъминловчи, ижтимоий муҳитни мазмунини оширадиган илмий ишланмалар, ўқув-услубий таъминотлар (адабиётлар, манбалар) ҳамда кўрсатилган таълим хизматлари учун келишилган ҳақ сўммасининг 15 % ни олдиндан ва хизматлар бажарилгандан кейин 85 % тўлови ўз вақтида университет ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

Шушарова З. З. - 1592 200.

- б) корхонада инновацион маҳсулотларни яратиш учун университет педагог ходимлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш ва ҳамкорликда инновацион гуруҳлар шакллантириш;
 в) корхона томонидан ўтказиладиган илмий-амалий семинар ва тренингларга университетнинг педагог ходимлари ва катта илмий ходим-изланувчиларини жалб этиш;

4. Умумий қондалар ва бошка шартлар

4.1. Ушбу шартноманинг муддати узайтирилиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши томонлар келишувига мувофиқ, далолатнома, асосида амалга оширилади.

4.2. Корхона кўрсатилган хизматлар(бажарилган ишлар) учун университетнинг ҳисоб рақамига 1542900 сўм (Бир миллиён беш юз қирқ икки
 (белгиланган сумма сон ва сўз билан ёзилиши шарт)

Минг икки юз сўм. маблағни шартномада кўрсатилган ишлар бажарилгандан сўнг 15 кун муддат ичида ўтказиб бериши керак.

4.3. Томонлар мазкур шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўзларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар сабабли бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўташдан озод этиладилар.

4.4. Форс-мажор ҳолатларга олдиндан кўриб ва олдини олиб бўлмайдиган ёки олдини олиш мумкин бўлмаган, Томонларнинг хоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлмаган ва шу боис Томонлардан ҳеч бирига мажбуриятларни ўташга имкон бермайдиган ҳолатлар қиради.

4.5. Мазкур шартномага Томонлар ўзаро келишув асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда исталган вақтда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

4.6. Мазкур шартномага қилинган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва Томонларнинг имзолари билан тасдиқланиши лозим.

4.7. Мазкур шартномага қилинган барча иловалар, қўшимчалар ва ўзгартишлар шартноманинг таркибий қисми деб қаралади.

4.8. Мазкур шартнома Томонлар имзолаган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ҳамда _____ йилнинг « _____ » _____ санасига қадар кучда бўлади.

4.9. Агар Томонлардан ҳеч бири шартноманинг муддати тугагунга қадар унинг амалда бўлиши борасида ўз хоҳиш-иродасини 3 (уч) ой олдин ёзма равишда билдирмаса, шартнома ўзидан кейинги бир йилга узайтирилган деб ҳисобланади.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби

Мазкур шартномадан келиб чиқадиган барча низоларни Томонлар ўзаро келишув асосида қонуний йўл билан ҳал этадилар. Агар томонлар ўзаро келиша олишмаса, низолар қонунчиликда белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

6. Яқунловчи қондалар

Мазкур шартнома тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир Томон учун битта нусха топширилади.

7. Томонларнинг юридик манзиллари

«Университет»

Манзил: Термиз шаҳри Б.Авлод № 43
 Тел. (0376)2231679 ОКОНХ 92110
 ИНН 200473474. E-mail: trsu info@edu.uz
 ШХВ: 400110860224017094100079007
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ
 МБ ХККМ ТОННЕНТ Ш. Б.Б.
 Х/Р 23402000300100001010
 МФО/00014; ИНН-201422919

Ректор: **А. Р. Марахимов**



«Корхона»



X/Р 22626000004485720001



(Корхона раҳбарининг имзоси ва муҳр)